Ўқув жараёнини методик жиҳатдан таъминлаш бўлими бош мутахассиси		
Маълумот	Олий	*Камида бакалавр даражасига эга бўлиши лозим.*
Мутахассислик	Педагогика йўналиш (илмий даража ёки илмий унвонга эга шахсларга афзалликлар берилади)	*Танловнинг суҳбат босқичида номзодларнинг имкониятлари тенг бўлган тақдирда илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлган номзодларга қўшимча балл берилади. Бунда қўшиладиган балл Танлов комиссияси томонидан белгиланади ҳамда баҳолаш мезонига киритилади.*
Меҳнат стажи	Умумий стажи 5 йил, соҳада камида 2 йиллик меҳнат стажига эга бўлиши	*Умумий стажи 5 йил, соҳада камида 2 йиллик меҳнат стажига эга бўлиши лозим.*
Давлат тилини билиши	Давлат тилини билиши	*Суҳбат жараёнида оғзаки ва ёзма нутқда фикрларини узвий ифода эта олиши лозим. Бунда Танлов комиссияси таркибига ташкилот раҳбарининг Давлат тили бўйича маслаҳатчиси аъзо сифатида киритилиб, у томонидан баҳоланади. Қўшиладиган балл Танлов комиссияси томонидан белгиланади ҳамда баҳолаш мезонига киритилади.*
Хорижий тилни билиш даражаси	Хорижий тилларни билиш даражасини белгиловчи миллий ва халқаро тан олинган сертификатларга эга бўлиши афзалликлар беради	*Танловнинг суҳбат босқичида номзодларнинг имкониятлари тенг бўлиб қолган тақдирда хорижий тилни билиш даражаси белгиланган IELTS, TOEFL, IBT, CEFR каби сертификатларнинг даражасига қараб юқори даражага эга бўлган номзодларга қўшимча балл берилади. Бунда қўшиладиган балл Танлов комиссияси томонидан белгиланади ҳамда баҳолаш мезонига киритилади.*
Компьютер саводхонлиги	Компьютер технологияларидан фойдаланиш бўйича минимал билим ва кўникмаларга эга бўлиши, MS Office иловаларининг офис тўплами ҳамда Интернет тармоғидан фойдалана олиши	*Word, Excel, PowerPoint, Access каби иловалар ҳамда Интернет тармоғида ишлаш бўйича амалий кўникмаларга эга бўлиши лозим. Номзоднинг тест синови босқичида АКТ йўналишида берилган саволларга жавоби суҳбат жараёнида инобатга олинади. Бунда тест синови натижаси бўйича қўйиладиган балл Танлов комиссияси томонидан белгиланади ҳамда баҳолаш мезонига киритилади. Тест синови саволлари*

		таркибидаги АКТ йўналиши вазни ташкилот томонидан белгиланади.
Қўшимча талаблар	Соҳа бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни билиши, норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳамда стандартларни ишлаб чиқиш тажрибаси	*Халқ таълими тизимига оид ва болалар ҳуқуқларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълимнинг давлат таълим стандартлари ва давлат талабларини, ўқув дастурлари, ички ва ташқи мониторинг, ўқувчиларнинг ўқув фанлари бўйича давлат таълим стандартлари талабларини ўзлаштириши мониторингини олиб бориш, таълим муассасалари рейтингини аниқлаш мезонлари бўйича билим, кўникма ва малакаларга эга бўлиш.*